



**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ**

**ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИДА
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ЖОРИЙ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ**

*Конференция материаллари тўплами
II қисм
Самарқанд - 2012*



**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ**

**ПРОБЛЕМЫ ВНЕДРЕНИЯ
ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ**

*Сборник материалов конференции
II том
Самарканд- 2012*



**THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC-
PRACTICAL CONFERENCE**

**THE PROBLEMS OF INCULCATION
OF INNOVATIONAL TECHNOLOGIES
IN AGRICULTURE**

*The collection of materials of conference
II part*

Samarkand - 2012



УДК: 619:636.5

ТОВУҚ ЭЙМЕРИОЗИДА ИЧАКЛАРДАГИ ПАТОЛОГОАНАТОМИК ҶЗГАРИШЛАР

Давлатов Р.Б., Худжамшукуров А.Н.
(Самарқанд қишлоқ хўжалик институти)

Аннотация. Эймериоз касаллиги 90-120 кунликгача бўлган жўжалар орасида кўп учраб, жўжаларнинг ингичка бўлим ичаклари шиллик қават эпителий хужайраларида шизогонал йўл билан кўпайиб унинг бутунлигини бузиш оқибатида шиллик қаватнинг бутунлиги бузилади, ҳазмланиш жараёни ёмонлашиб, умумий захарланиш кузатилади.

Калит сўзлар. Товуқ, эймериоз, ооциста, эймерия, кокцидиостатик, патологоанатомик ўзгариш, ампролин, рекс-вигал.

Мавзунинг долзарблиги. Товуқчилик - Республикамиз чорвачилигининг муҳим тармоқларидан ва тез етилувчан истиқболли соҳаларидан ҳисобланади. Бугунги кунда мавжуд паррандачилик хўжаликларида 50 млн. бошдан ортиқ парранда бўлиб, кўп қисми фермер, деҳқон, ёрдамчи ва шахсий хўжаликлар қарамоғида парвариш қилинмоқда. Паррандаларнинг асосий қисми мослаштирилган биоларда боқилаётгани сабабли ветеринария ходимларнинг назоратида бўлмаяпти. Бундай асралаётган паррандалар орасида турли юқумли ва инвазион касалликлар учраб турибди.

Алмашинмайдиган тўшамалар шароитида асраладиган хўжаликларда эймериоз каби касалликлар учраши туфайли жўжаларнинг ўлими, ўсишдан қолиши, товукларда маҳсулдорликнинг камайиши каби сезиларли миқдордаги иқтисодий зарари кузатишмоқда (1;4).

Эймериоз касаллиги 120 кунликгача бўлган жўжалар орасида кўп учраб, жўжаларнинг ингичка бўлим ичаклари шиллик қават эпителий хужайраларида шизогонал йўл билан кўпайиб унинг бутунлигини бузиш оқибатида шиллик қават шикастланади, ҳазмланиш жараёни ёмонлашиб, умумий захарланиш кузатилади. Бу эса жўжа организмнинг озугага бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондирмаслиги ва патологик жараённинг оғирлашиб, қийин кечилишига сабаб бўлади (2;6).

Тадқиқот объекти ва услублари. Тадқиқотлар СамҚХИ, ветеринария факультетининг вивариясидаги "Қичик товукхона" ва лабораторияси шароитида ўтказилиб, товук эймериози кўзгатувчиси билан зарарланган жўжаларни патологоанатомик ёриб кўриб ўрганилди.

Текширув ўтказишда тўлиқ патологоанатомик ёриб кўриш усулидан фойдаланилди. Лаборатория тажрибаларини ўтказиш учун "Охалик Ломани" паррандачилик қўшма корхонасидан 120 бош бир кунлик жўжалар олиб келиниб, алмашинмайдиган тўшамалар устида хўжалик рақиси асосида озиклантирилиб асралди. Ва 14 кунлигида 4 гуруҳга, ҳар гуруҳда 30 бошдан қилиб аналоглар қондаси бўйича ажратилди.

Тадқиқот натижалари. Тажрибалар жараёнидаги кузатишларда қайд этилишича, жўжаларни 14 кунлигида аналоглар қондаси бўйича тирик вазни тарозида тортилди ва ҳар бирида 30 бошдан 4 гуруҳга ажратилди. Хусусан, 1-гуруҳ жўжалари соғлом назорат гуруҳи; 2-гуруҳ юктирилган қийсий гуруҳ; 3-гуруҳ жўжалари ҳам юктирилиб, кокцидиостатик препарат ампролинни синовдан ўтказиш; 4- гуруҳ жўжаларига эса ўзаро таққослаш учун самарали кокцидиостатик - ампролин + витамин Рекс вигал қўллаш белгиланди. Сўнгра 2-, 3-, ва 4- гуруҳ жўжаларини *E. tenella*, *E. acervulina*, ҳамда *E. maxima* лардан иборат эймерийлар "культураси" билан "ЛД 50-75" дозада сунъий зарарлантирилди. Жўжаларни эймериоз билан сунъий зарарлантириш ўтказилган кундан бошлаб 3- гуруҳ жўжаларига ампролин кокцидиостатигини 1л сувга 1 гр миқдорда 7 кун, 4- гуруҳ жўжаларига эса ампролин 1л сувга 1 гр миқдорда 7 кун ҳамда витамин Рекс вигал витаминли аралашмаси кундалик омихта емга яхшилаб аралаштирилган ҳолда 5 кун оралатиб қўлланилди. Ушбу препаратларнинг таъсир

этиш даражаси жўжаларнинг ингичка бўлим ичакларидаги патологоанатомик ўзгаришларга киёслаб ўрганилди (3;5).

Жўжалар эймериоз кўзгатувчиси "культураси" билан юктирилгандан кейин тажрибанинг 3-,5-,7-, 10-, 15- ва 20- кунларида ҳар бир гуруҳдан 3 бошдан жўжалар сўйилиб, уларнинг ичакларидаги ўзгаришлар кузатилиб борилди.

Тажрибанинг 3- кунда 2- гуруҳ жўжаларидан олинган намуналарда кўричакнинг шиллик қаватини, айрим қисмларида эпителий хужайраларининг дистрофияси ҳолатлари кузатилди.

Ампролин ва ампролин + витамин Рекс витал препаратлари берилган гуруҳ жўжаларининг ингичка бўлим ичакларида сезиларли патологик ўзгаришлар кузатилмади.

Тажриба давомийлигининг 5- кунига бориб, зарарлантирилиб даволанмаётган 2- гуруҳ жўжалари ичак шиллик қаватларида қизариш, ярали қон қўйилишлар шиллик ва шиллик ости қаватларида шиш ҳамда эпителийларнинг дегенерация ҳолати кузатилди.

3- 4- гуруҳлардаги жўжаларнинг кўр ичаклари шиллик қаватининг бутунлиги бузилмаган.

Тажрибанинг 7- кунда эса киёслий гуруҳ (2) жўжаларининг ингичка бўлим ичаклари шиллик қаватларининг гиперемияси, қон қўйилишлар, эпителий қатламида шиш кузатилиб, ичак бўшлиғида шизонт ва ретикулаэндотелиал хужайраларининг борлиги аниқланди.

Ампролин ва ампролин + витамин Рекс витал препаратлари берилаётган жўжаларнинг ичак бўшлиғида эймерия ооцистлари борлиги аниқланди. Тажрибанинг 10 кунда эса 2- гуруҳ жўжаларининг ичаклари шиллик қаватларида хужайраларнинг тикланиш ҳолати кузатилди. Тажриба гуруҳларидаги жўжаларнинг кўричакларини шиллик қаватида шизонтларнинг 2- генерациясини содир бўлиш ҳолати аниқланди. Тажрибанинг 15 –кунига келиб 2- гуруҳ жўжаларининг ингичка бўлим ичаклари айниқса, кўр ичаги шиллик қаватида эпителийнинг дистрофияси ичак бўшлиғида кўп сонли псевдозооцистларнинг борлиги аниқланди. Айни пайтда 3- ва 4- гуруҳ жўжаларининг ичаклари текширилганда патологоанатомик ўзгаришлар кузатилмади.

Тажрибанинг 20-кунига келиб 2- гуруҳ жўжаларининг ичаклари шиллик қаватида хужайраларнинг кам миқдордаги инфилтрацияси, ичак шиллик қаватида тикланиш жараёни кузатилди.

Хулоса. Тажриба натижаларидан маълум бўлаётгани, зарарлантирилиб даволанмаган (2) гуруҳ жўжаларининг ичаклари шиллик қаватларида эймериялар таъсирида характерли патологоанатомик ўзгаришлар ва мураккаб патологик асоратлар кузатилди.

Ампролин ва ампролин + витамин Рекс витал препаратлари қўлланилган 3- ва 4- гуруҳлардаги жўжаларнинг ичаклари шиллик қаватида патологик жараён паст даражада бўлиб, эймериозга ҳос патологик ўзгаришлар ва асоратлар аниқланмади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ – 842 қарори 2008 йил Тошкент.
2. Давлатов Р.Б. ва бошқалар "Товуқ эймериозининг патологоанатомик ташҳиси" Чорвачилик ҳамда ветеринария фани ютуқлари ва истиқболлари. – Республика илмий-амалий конференцияси. Самарқанд - 2010 йил 23-24 апрель, 27-28 б.
3. Давлатов Р.Б. "Эймериоз касаллигида жўжаларнинг кўричакларидаги патоморфологик ўзгаришлар", "Агро илм" журнали 2007 й №3-сон 20-21 бетлар.
4. Худжамшукуров А.Н., Давлатов Р.Б. "Товуқ эймериозининг диагностикаси". Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги устувор йўналишлар ва уларнинг ечимлари. Сам ҚХИ. Профессор-ўқитувчиларининг 2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" га бағишланган илмий-амалий конференцияси. Самарқанд, 2011й. 26-27 апрел. 1 – қисм, 165 б.
5. Худжамшукуров А.Н., Давлатов Р.Б., Хўжаев Ф. "Товуқ эймериозини даволашда ампролиннинг самарадорлиги". Журнал –Зооветеринария 2011 й. № 5 – сон, 24 б.
6. Ғофуров А.Ғ., Давлатов Р.Б., Расулов Ў.И. "Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг протозой касалликлари", Ўқув қўлланма. Самарқанд-2010 й.